



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

### B U Y R U G'I

20 22 yil " 26 "сентябрь

№ 263

Toshkent sh.

#### **Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида фаолият юритаётган “тиббиёт бригадалар”и фаолиятини баҳолаш тартиби ва Низомини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий килиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини япода ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ - 6110 сонли фармони, “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва Давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4890-сонли ва 2022 йил 25-апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-215-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига янги модельни жорий қилиш мақсадида буораман:

##### 1. Қуйидагилар:

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббиёт бригадалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низоми 1-иловага;

тиббиёт бригадасининг оиласи шифокори тўғрисидаги Низом 2-иловага;

тиббиёт бригадасининг умумий амалиёт ҳамшираси тўғрисидаги Низом 3-иловага;

тиббиёт бригадасининг оила (патронаж) ҳамшираси тўғрисидаги Низом 4-иловага;

тиббиёт бригадасининг дояси тўғрисидаги Низом 5-иловага;

шифокор олди кўрик хонаси фаолиятини ташкиллаштириш тартиби 6-иловага;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳомиладор, туғадиган ва туккан аёлларга антенатал парваришни олиб бориш тартиби 7-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий бригадаларга штатларнинг тасдиқланган штат мөъёrlарига мос ҳолда тўлиқ ажратилишининг назорати;

тиббий бригада аъзоларининг ўзаро вазифалар тақсимоти ва уларни фаолиятини мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низомлар асосида ташкил этилиши;

тиббиёт муассасаларида қурилиш, реконструкция ишларини амалга оширишда шифокор олди кўрик хоналарини ташкиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратиш;

шифокор олдик кўрик хоналарининг тасдиқланган Низомга асосан фаолиятини таъминлаш вазифалари юклансин.

2. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рискиев), Оналик ва болалаикни муҳофаза килиш бошқармаси (С.Убайдуллаева) тиббиёт бригадаларининг тизимли фаолиятини ташкил этиш бўйича худудларда амалий семинарлар орқали раҳбарлар ва тиббиёт ходимларига тизимли ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

3. Молия бош бошқармаси (С.Максудов) худудларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, шу жумладан тиббиёт бригадалари учун тегишли штатларни тўлиқ ажратилишини назоратга олсин.

4. IT-med директори (А.Хакимов) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ишларини жадаллаштиrsин,

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда муассасаларда электрон тизимларни амалиётта жорий этиш учун тегишли шарт шароитлар яратишни,

тиббий ходимлар компьютер саводхонлигини ошириш бўйича семинар ва машҳулотлар ўтказилишини ташкиллаштиrsин..

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

Вазир

Б.Мусаев



**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббиёт бригадалари  
фаолиятини ташкил этиш тұғрисидаги  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида “тиббиёт бригадалар” фаолиятини ташкил этиш низоми (Кейинчалик - Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлако янги механизmlарни жорий килиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаёттган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тұғрисида” ги ПФ-6110-сонли Фармони ҳамда 2022 йил 25-апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ахолига яқынлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги ПҚ-215-сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ташкил этилган “тиббиёт бригадалар” вазифалари, хукуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

3. Тиббиёт бригадаси – ахолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи бирламчи тиббиёт мутахассислари гурухи бўлиб, ҳар 2000 ахолига 1 та бригада ҳисобидан ташкил этилади.

Тиббиёт бригадаси таркиби оила шифокори, умумий амалиёт ҳамшираси ва оила (патронаж) ҳамширалари, доядан иборат бўлади.

4. Тиббиёт бригадаси аъзолари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқ ва йўриқномалари, тегишли Соғлиқни сақлаш худудий органлари, туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва даволашпрофилактика муассасаси раҳбарининг буйруқ ва кўрсатмалари, шунингдек мазкур Низомга кўра амалга оширади.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимидаги устувор вазифалар, ахолининг касалланиш ҳолати, таркиби ва асоратларидан келиб чиқиб, унинг таркибига ҳамда белгиланган вазифа ва мажбуриятларига тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

**II. Тиббиёт бригадаларининг асосий вазифалари**

6. Куйидагилар “тиббиёт бригада”ларининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
бириклирлган ахолига энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси, даволаш, реабилитацияси бўйича тиббий хизмат кўрсатиш;

ахоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш комплекс тадбирларини амалга ошириш, бунда ахолида шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш, зарарли одатларга қарши курашиш, кун тартибини тўғри ташкил этиш, дори

дармонлардан оқилона фойдаланиш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш;

аҳоли орасида касалликларни эрта анкилаш мақсадида мақсадли профилактик кўриклар, скрининг дастурларини амалга ошириш.

сурункали касалликларга чалинган аҳолининг диспансер кўриклари ва эҳтиёжманд аҳолининг патронаж назоратини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, исталмаган хомиладорликнинг олдини олиш, оилани оқилона режалаштириш, аёлларни хомиладорлик даврида ва туғруқдан кейинги назоратини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

кўқрак сути билан озиқлантиришни тарғиб қилиш, болани жисмоний ва психомотор ўсиб-ривожланишини назорат қилиш, болани парвариш қилиш, чиниктириш ва тўғри овқатлантириш вабилан индивидуал ишлаш;

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмумини ташкил килиш ва ўтказиш: профилактик эмлашлар, бириктирилган худуд ва уй хўжаликлидаги санитария ҳолатини умумий назорат қилиш, юқумли касалликлар учокларида ўзаро алоқада бўлганлар орасида обсервация тадбирлари, шунингдек бириктирилган аҳолини хавфли эпидемик вазиятлар хақида огоҳлантириш;

стандартларга мувофиқ ва ўзида мавжуд бўлган жихозлар воситасида мижознинг хаётига хавф соглан ҳолатларда шифохонагача бирламчи тиббий ёрдами кўрсатиш;

касаллик ўта оғир ва нотипик равишда кечеётган ҳолатларда ўз вактида тиббий маслаҳат берилишини ташкиллаштириш, беморнинг саломатлик кўрсаткичларига асосланиб стационар, ихтисослашган тиббиёт муассасаларига йўлланма бериш ва ётқизиш;

ижтимоий ёрдам хизматчилари билан биргаликда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишида иштирок этиш, ёлғизлар, ўзгалар парваришига муҳтож кексалар, ногиронлар саломатлигини алоҳида назорат қилиш;

ўтқир ва сурункали касалликлар, жароҳат ва ҳомиладорлик (туғрук) билан боғлик ҳолатларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик экспертизасини ўтказиш, меҳнатга лаёқтислизикнинг турғун ҳолатларида тиббий ижтимоий эксперт комиссияларига ўз вактида йўллаш;

инфекциялар, касалликлар, заҳарланиш ва фавқулодда ҳолатлар юзага келганида улар тўғрисида раҳбарият ва санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш органларига ўз вактида хабар бериш;

муассаса томонидан берилган дори дармонлар, витамин препаратларини ўрнатилган тартибга ва кўрсатмаларга асосан аҳолига тарқатиш;

тасдиқланган тиббий ҳисоб ва ҳисбот ҳужжатларини юритиш;

ўз ваколати доирасида ҳамкор ташкилотлар билан фаолият олиб бориш, тегишли тадбирларда қатнашиш.

### **III. Тиббиёт бригадалари фаолиятини ташкил этиш**

7. Тасдиқланган штат меъёрларига мувофиқ, 2000 нафар аҳолига 1 нафар оила шифокори, 1 нафар умумий амалиёт ҳамшираси, 2 нафар оила (патронаж) ҳамширлари ва 0,5 нисбатда доя ажратилади.

Ахолиси 2000 нафаргача бўлган муассасаларда ҳам тегишли равишида 1 та тиббий бригада ташкил этилади.

Тиббиёт бригадасига бириктирилган аҳоли сони қатъий равишида 2000 нафар бўлиши талаб этилмайди, худуднинг компактлигини инобатта олган ҳолда ва аҳолига

кулайлик яратиш мақсадида уларнинг сони нисбатан камроқ ёки кўпроқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, худуднинг жойлашуви ва оила шифокори вакант бўлган худудларда ахоли сонидан келиб чиқиб, бригаданинг оила шифокорига юкламасига кўра меҳнатига ҳак тўланади ҳамда кўшимча ҳамшира бириктириб берилади.

Тиббиёт бригадасига ахолини бириктириш учун ҳар бир муассаса раҳбари бириктирилган маҳалла фуқаролар йигини ахолиси сонидан, жойлашувидан келиб чиқиб, хизмат доирасидаги худудни компакт участкаларга ажратади, тасдиқлайди ва тиббиёт бригадаларига тақсимлаб беради.

8. Тиббиёт бригадаларининг аъзолари ва уларга бириктирилган худудлар ҳамда тиббиёт бригадасининг иш жадвали тўғрисида ахолига маълумот бериб борилади.

9. Оилавий шифокор тиббиёт бригаданинг бошлиги этиб хисобланади ва тиббиёт бригадасининг функционал вазифаларидан келиб чиқиб,

йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган режаларни белгилайди;

барча аъзолар билан биргаликда йўналишларни аниқлаб олиб, бригаданинг ойлик ва хафталиқ амалий тармоқ режаларини тузади ва уларнинг ижросини назорат қилади;

режага мувофиқ қабуллар ҳамда уйда кўрикларнинг ташкиллаштирилиши;

шифокор олди кўрик хонасида профилактик кўриклар, скрининг дастурлар ва бошқа профилактик-диспансеризация тадбирларининг олиб борилиши;

асосий вазифаларни ҳамкор ташкилотларни жалб этган ҳолда амалга ошириш;

амалга оширилган ишлар таҳлили, ахолининг саломатлик ҳолатини баҳолаш, статистик хисботларни шакллантириш каби вазифаларни бажаради.

10. Оилавий шифокор вакант бўлган ҳолатларда ҳам штат меъёrlарида белгиланганига кўра ўрта тиббиёт ходимларининг тўлиқ фаолияти орқали тиббий бригада фаолияти таъминланади, бунда умумий амалиёт ҳамшираси лидерлик қилади.

11. Тиббиёт бригадаси ва унинг ҳар бир аъзоси фаолиятини тўғри ташкиллаштириш, уларнинг функционал вазифаларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида шифокор учун қабул хонаси, шифокор олди кўрик хонаси ажратилиши ва ўрнатилган тартибга мувофиқ тегишли асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, оила ҳамширалари эса тегишли асбоб ускуналар жамланмаси бўлган патронаж сумкалари билан таъминланиши керак.

12. Оила (патронаж) ҳамширалари фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларнинг хонадондаги патронаж вазифаларини бажарганидан кейин тиббий ҳисоб хужжатларига маълумотларни киритиши, кундалик режаларни тузиш ва амалга оширган ишлар хисботларини расмийлаштириш учун муассаса раҳбари томонидан ҳамширалар учун шароити яратилиши, яъни маҳсус стол-стул, компьютер техникаси билан жиҳозланган ҳамширалар хонасини ажратилиши мақсадга мувофик.

Ушбу хона ҳамширалар ўз устида ишлаши, касбий малакасини ошириш учун тегишли адабиёт ва муляжлар билан таъминланиши айни муддао бўлади.

#### **IV. Тиббиёт бригадасининг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

13. Тиббиёт бригадаси куйидаги ҳукукларга эга:

муассаса раҳбари, юқори турувчи соғлиқни сақлаш бошқарув органлари ва бошқа манбаатдор идораларга бириктирилган ахолига тиббий-санитария ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш ва яхшилаш бўйича таклифлар киритиши;

ўз йўналиши бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарларда иштирок этиш, мақсад ва вазифаларига тегишли бўлган турли жамоат ва касбий ташкилотларга аъзо бўлиш;

ўз касбий билим ва кўникмаларини мустакил ўкиш, соғликни сақлаш бошқарув ва малака ошириш муассасаси томонидан ташкил этилган курс, цикл ва семинарларда иштирок этиш йўли билан такомиллаштириш ва малака тоифасига муносиблигини тасдиқлаш учун аттестациядан ўтиш;

фаолияти самарадорлигини ошириш максадида хамкор ташкилотларни жалб килиш, улар билан фаолиятига алоқадор бўлган тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

ибратли фаолияти натижаларини оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда ёритиш.

14. Тиббиёт бригадасининг ҳар бир аъзоси мазкур низом билан тасдиқланган вазифалари ва ўзимнинг функционал вазифаларини ўз вактида ва тўлиқ ижросини таъминлашга мажбур хисобланади.

15. Тиббиёт бригадасининг барча аъзолари меҳнатига ҳақ тўлашда узлуксиз ишланган йиллари учун тариф ставкасига нисбатан кўшимча белгиланиши саклаб колинади, бунда, устаманинг энг кўп миқдори оиласи шифокор учун — 50 фоиз, ўрта тиббиёт ходимлари (умумий амалиёт ҳамшираси, оила (патронаж) ҳамшираси, тиббий бригада дояси) учун эса — 40 фоиз белгиланади.

#### **IV. “Тиббиёт бригада”сининг жавобгарлиги**

16. “Тиббиёт бригадаси” куйидагиларга:

бириктирилган худудда ўзининг фаолияти натижалари, ўзига бириктирилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек ўз вазифавий мажбуриятлари ҳамда ўзига бириктирилган ўрта тиббий ходимларнинг вазифавий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган ва муассаса фаолиятига ёки беморлар соғлиғига зарар етказган харакатлари ёки ҳаракатсизликлари;

ўз фаолияти ва ўзига бириктирилган ўрта тиббий ходимлар фаолиятининг амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий-хукуқий хужжатларга мувофиқлиги;

мавжуд бўлган тиббий жиҳозлар, аппаратлар, мол-мулк, дори-дармонларини бутлиги таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш;

ўзи ва ўзига бириктирилган ўрта тиббий ходимлар томонидан юритиладиган тиббий ҳисоб ва ҳисботга оид хужжатлар ва фаолиятга доир тақдим этиладиган тиббий статистик маълумотларнинг хаққонийлиги ва ўз вактида юритилиши учун жавобгардир.

#### **VI-боб. Яқунловчи қоидалар**

17. Тиббиёт бригадалари фаолиятини ўзгартириш, қайта ташкил этиш ва тугатиш Соғликни саклаш вазирлигининг меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## Тиббиёт бригадасининг оилавий шифокори тұғрисидаги Низом

### I. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт бригадасининг оилавий шифокори (Кейинчалик-оилавий шифокор) - врач умумий педиатр, умумий амалиёт врачи – педагог, врач умумий педиатр – педагог, «даволаш иши» (умумий амалиёт шифокори), «педиатрия иши» мутахассислари бүйича олий тиббий маълумотига, жинси ва ёшидан қатын назар ўзига бириктирилган аҳолига кенг кўламдаги врачлик биринчи тиббий ёрдами кўрсатиш ва профилактик тадбирлар ўтказиш хуқукига эга бўлган дипломли мутахассисдир.

2. Оилавий шифокор малакавий тавсиф талабларига мувофиқ билим ва малакага эга бўлиши, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун тегишли амалий кўнкималарни мустакил бажара олиши керак;

Жумладан, оилавий шифокор бириктирилган аҳолининг муассасада ва уйда кўрикларини, касалхонагача бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни, профилактик, иммунологик, санитария-гиgiene ва эпидемияга қарши, диагностика-даволаш ва реабилитация тадбирлари мажмuinи амалга оширади.

3. Оилавий шифокорга тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш учун аҳоли сони муассаса раҳбари томонидан бириктириб берилади, айrim ҳолатларда бемор/мижозларнинг хоҳишига кўра эркин бириктирилиши ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам бу аҳоли сони умумий бириктирилган аҳоли сони сифатида ҳисобга олинади.

4. Оилавий шифокор барча ташкилий масалалар бўйича бевосита муассаса раҳбарига бўйсунади ҳамда бош шифокор ўринбосари, бўлим бошлиғи (мавжуд бўлганда) оила шифокорига тизимли услубий ёрдам беради.

5. Оилавий шифокор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқ ва йўриқномалари, тегишли Соғлиқни сақлаш худудий органлари, туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва даволашпрофилактика муассасаси раҳбарининг буйруқ ва кўрсатмалари, шунингдек мазкур Низомга кўра амалга оширади.

6. Оилавий шифокорни лавозимга тайинлаш ва озод килиш амалдаги меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда, муассаса раҳбари томонидан амалга оширилади.

### II. Оилавий шифокорининг функционал вазифалари

Оилавий шифокорининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

7. Тиббиёт бригадаси фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш, таҳлил килиш ва натижаларни баҳолаш;

8. Муасасада мавжуд имконият ва шароитлардан келиб чиқиб, кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига мос равища бириктирилган аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш, бунда

тасдиқланган стандарт, клиник кўлланма ва дастурларга мувофиқ кенг тарқалган касаллик ва ҳолатларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш;

касалликлар профилактикаси мақсадида ахоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ахолининг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, кун тартибини тұғри ташкиллаштириш, тұғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни таъминлаш, оммавий ва индивидуал профилактика чоралари бүйича билим ва күнікмаларини хосил қилиш;

ўсіб келаётган авлодни согломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, оилани оқилона режалаштириш бүйича тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

“Оналар мактаби” фаолиятини олиб бориш, бунда ёш оналарни болаларни күкрап сути билан боқишиң ва озиқлантириш, тұғри парвариши қилиш, ўсиш ва ривожланишини назорат қилиш, чиниқтириш ва касалланишини олдини олишга ўргатиши;

ҳомиладор аёлнинг антенатал назорати, түкқан аёлнинг туғруқдан кейинги күрикларини амалға ошириш;

аёллар ва болаларни рационал овқатлантириш, ота-оналар ва болалар ўртасида боғлиқликни ривожлантириш, оиласы бола учун хавфсиз мұхит яратиши, жароҳатлар ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, болаларда моторика ва нұтқни ривожлантиришда кечикиш ва бошқалар бүйича боланинг ота онаси ва парваришловчисига тавсиялар бериш;

эхтиёжманд ахоли (болалар, ҳомиладор, чилла давридаги аёл ва унинг чақалоғи, ёлғиз, уйда ётиб қолған кекса ва ногиронлар) хонадонида мақсадлы тиббий ёрдам күрсатишиң ва универсал-прогрессив патронаж тизимини амалиётта жорий этиши;

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмuinи ташкил қилиш ва ўтказиш: профилактик әмлашлар, бириктирилған худуд ва уй хұжаликларидаги санитария ҳолатини умумий назорат қилиш, юқумли касалликлар үчокларидан обсервация тадбирлари, шунингдек бириктирилған ахолини хавфли эпидемик вазиятлар ҳакида огохлантириш;

сурункали касалликларни эрта аниқлаш мақсадида профилактик ва мақсадлы скрининг дастурларини амалға ошириш, касаллик аникланғанларни стандарт ва клиник протоколлар асосида олиб бориш, согломлаштириш-реабилитация тадбирларини ташкиллаштириш;

бириктирилған худуддаги таълим муассасалари тарбияланувчи ва ўқувчиларининг чукурлаштирилған тиббий күрикларини ташкиллаштириш, натижалар таҳлилларини ўтказиш, касаллик аникланғанларни согломлаштириш ишларини олиб бориш;

сурункали касалликлар билан диспансер назоратига олинған беморларни касаллик даражаси ва беморнинг ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда индивидуал олиб бориш, кузатиши, согломлаштириш ва реабилитация режаларини белгилаш ва уни тегишли тор соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ваколати доирасида амалға ошириш;

касаллик ўта оғир ва нотипик равишида кечеётган ҳолатларда ўз вақтида тиббий консультация уюштириш, бемор ҳолатига ва саломатлик күрсатқичларига асосланиб ихтисослашған тиббий муассасаларга йўлланма бериш ва ёткизиши.

ўрнатилған тартибда вақтінча меҳнатта лаёқатсизлик экспертизасини ўтказиш ва меҳнатта лаёқатсизликнинг турғун ҳолатларидан ногиронликни белгилаш учун тиббий ижтимоий экспертиза комиссиясига ўз вақтида йўллаш ва тиббий хужжатларни расмийлаштириш;

9. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ахоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллаштириш, жисмоний фаолликни қўллаб-куватлаш бүйича оммавий тарғибот тадбирларини ўтказиш ва қатнашиш;

маҳалланинг “Саломлик мактаби” фаолиятини амалға ошириш;

аҳолининг саломатлик ҳолатини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, маҳалланинг “Саломатлик профили”ни тузиш ва уни ижобий ўзгаришишига жамоат ташкилотлари ва хамкорларни жалб этиш.

10. Фаолият натижалари юзасидан тасдиқланган тиббий хисоб ва хисобот хужжатларини юритиш ва бригада аъзолари томонидан ўз вақтида тўғри расмийлаштирилишини таъминлаш;

### **III. Оилавий шифокорнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

11. Оилавий шифокорнинг хукуклари қуидагилардан иборат муассаса раҳбари ва юқори турувчи соғлиқни саклаш бошқарув ва бошқа манфаатдор идораларга бириктирилган аҳолига тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш бўйича таклифлар киритиш;

тиббий-санитария ёрдам масалалари бўйича йиғилишлар, илмий-амалий конференцияларда иштирок этиш, фаолияти умумий амалиёт шифокорнинг мақсад ва вазифаларига тегишли бўлган турли жамоат ва касбий ташкилотларга аъзо бўлиш;

ўз касбий билим ва кўникмаларини мустакил ўкиш, соғлиқни саклаш бошқарув ва малака ошириш муассасаси томонидан ташкил этилган қисқа муддатли цикл ва семинарларда иштирок этиш йўли билан такомиллаштириш;

ўз малака тоифасига муносаблигини тасдиқлаш учун ҳар беш йилда бир марта Соғлиқни саклаш вазирлигининг амалдаги йўриқномаларига мувофиқ аттестациядан ўтиш;

бошқа мутахассис ва ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ва ваколатига тегишли бўлган тадбирларда иштирок этиш;

ўз ваколат доирасига кирмайдиган вазифалар юқлатилганда ундан бош тортиш;

12. Оилавий шифокор ўз вазифасини бажариш даврида мазкур Низом талаблари билан белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга мажбурдир.

13. Оилавий шифокор аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда мижоз хуқуқининг поймол бўлмаслигини таъминлаш, бемор сирини сакланишига эришиш, мижоз ва ҳамкасларига самимий муносабатда бўлиши керак.

### **IV. Оилавий шифокорнинг жавобгарлиги**

14. Оилавий шифокори қуидагиларга:

бириктирилган худудда ўзининг фаолияти натижалари, ўзига бириктирилган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек ўз вазифавий мажбуриятлари ҳамда ўзига бириктирилган ўрта тиббий ходимларнинг вазифавий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган ва муассаса фаолиятига ёки bemorlar соғлиғига зарар етказган харакатлари ёки харакатсизликлари;

ўз фаолияти ва ўзига бириктирилган ўрта тиббий ходимлар фаолиятининг амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий-хуқукий хужжатларга мувофиқлиги;

мавжуд бўлган тиббий жиҳозлар, аппаратлар, мол-мулк, шунингдек bemorlariga тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш дори-дармонларини бутлиги ва улардан оқилона фойдаланиш;

ўзи ва ўзига бириктирилган ўрта тиббий ходимлар томонидан фаолияти натижалари бўйича тиббий хисоб ва хисобот хужжатларининг ўз вақтида ва тўғри юритилишига, улардаги маълумотларнинг хаққонийлигига жавобгардир.

фаолияти натижалари бўйича тиббий хисоб ва хисобот хужжатларининг ўз вақтида ва тўғри юритилишига, улардаги маълумотларнинг хаққонийлигига жавобгардир.

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2022 йил “26” сентябрдаги  
263- сонли буйруғига  
3-ИЛОВА

## Тиббиёт бригадасининг умумий амалиёт ҳамшираси тұғрисидаги Низом

### I. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт бригадасининг умумий амалиёт ҳамшираси – олий ҳамширалик маълумотига ёки «ҳамшира», «умумий амалиёт ҳамшираси», «фельдшер», «доя» касбий йўналишлари бўйича маҳсус тиббий маълумотга эга бўлган ёки «умумий амалиёт ҳамшираси» дастури бўйича дипломдан кейинги ихтисослигини муваффакиятли ўтган дипломли мутахассисдир.

2. Умумий амалиёт ҳамшираси ҳамширалик иши доирасида, бириктирилган ахолига, жинси ва ёшидан катъи назар, биринчи тиббий ёрдам қўрсатиш ва касалликлар олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказади.

Бунинг учун умумий амалиёт ҳамшираси тиббий профилактика, соғлом турмуш тарзи, сурункали касалликларни бошқариш, шифокоргача бўлган биринчи ёрдам қўрсатиш, скрининг дастурлари бўйича тегишли тайёргарликдан ўтган бўлиши керак.

3. Умумий амалиёт ҳамшираси оиласи шифокор ва тиббий бригаданинг бошка аъзолари билан биргаликда ўз лавозим вазифалари доирасида фаолият олиб боради.

4. Умумий амалиёт ҳамшираси оила шифокорининг бевосита назоратидан ташқари мустақил равишда мижоз ва беморларни қабул қилиши, шифокоргача тиббий-санитария ёрдами қўрсатиши мумкин.

5. Умумий амалиёт ҳамшираси ўз жорий фаолиятида ташкилий-услубий масалалар бўйича бевосита отила шифокорига, маҳсус ҳамширалик иши масалалари бўйича – муассасанинг бош/катта ҳамшираси/фельдшерга, умумий масалалар бўйича эса муассаса раҳбарига бўйсунади.

6. Умумий амалиёт ҳамшираси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқ ва йўрикномалари, тегишли Соғлиқни сақлаш худудий органлари, туман/шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва даволашпрофилактика муассасаси раҳбарининг буйруқ ва қўрсатмалари, шунингдек мазкур Низомга кўра амалга оширади.

7. Умумий амалиёт ҳамширасини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш амалдаги меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда, муассаса раҳбари томонидан амалга оширилади.

### II. Умумий амалиёт ҳамширасининг вазифавий мажбуриятлари

8. Умумий амалиёт ҳамшираси ўз ваколати доирасида қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

оила шифокори ва тиббиёт бригадасининг бошка аъзолари билан биргаликда тиббиёт бригадасининг устувор вазифалар бўйича йиллик режасини тузиш ва ҳар бир ходимнинг вазифаларини белгилаш;

бириктирилган ахолининг профилактик кўриклар, скрининг дастурлари, диспансер назорати ва патронаж хизматини ташкиллаштириш мақсадида тармок

режасини тузиш, ушбу режа асосида оила ҳамширлари ва доянинг ойлик, хафталиқ, кунлик режаларини белгилаш, ижросни назорат қилиб бориш;

шифокор олдик кўрик хонаси фаолиятини ташкиллаштириш, бунда хонада тегишли тиббий асбоб-ускуна, жиҳозлар, клиник протокол ва қўлланмаларнинг, тегишли саволнома, бланка, тарқатма материалларнинг етарли миқдорда бўлиши назоратини амалга ошириш ва улардан самарали фойдаланишини таъминлаш;

мижозларни шифокор олдик кўрик хонасида мустақил қабул қилиш, тегишли текширув (антропометрия кўрсаткичлари, бўй-вазн индекси (БВИ), артериал қон босими ва тана ҳароратини ўлчаш, нафас олиш тезлиги ва пульс сонини санаш, ЭКГ, пикфлюметрия ўтказиш, кўз ўткирлигини аниқлаш) ва суриштирувларни ўтказиш;

5 ёшгача болаларни жисмоний ва психомотор ривожланиши мониторинги ва баҳолаш ва онага тегишли маслаҳатларни бериш;

18 ёшгача ташкиллашмаган болалар, таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларини 1 йилда 1 марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикларини ташкиллаштиришда иштирок этиш;

Мақсадли контингент ҳамда хавф гурухидаги аҳолининг скрининг кўрикларини дастурлари ҳамда болалар, ўсмирлар ва аёлларни витамин ва микронутриентлар билан таъминлаш дастурлари ижросини таъминлаш;

юқумли бўлмаган касалликлар хавф омиллари аниқланган мижозларга соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, заарли одатлардан воз кечиш, ортиқча вазни олдини олиш ва халос бўлиш, хулқ-атворини ўзгартириш учун қисқа маслаҳатлар бериш;

ҳаётида биринчи бор сурункали касалликлар аниқланган беморлар учун шифокор билан биргаликда “Профилактика мактаби” машғулотларини ўтказиш ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича маслаҳат бериш (ҳамширалик протоколлари асосида);

сурункали касаллика чалинган беморларни диспансер кўрикларни оила ҳамширлари билан бирга ташкиллаштириш ва шифокор кўригига тайёрлаш;

болалар, ўсмирларнинг ота-оналарига (соғлом бола парвариши, кўкрак сути билан озиқлантириш ва рационал овқатланиш, ўткир юқумли ва паразитар касалликларни олдини олиш, иммунизация, соғлом турмуш тарзи тамойиллари, бемор бола парвариши масалаларида) маслаҳатлар бериш;

ўсмир қизлар, уларнинг оналари, ёш келинчак ва уларнинг қайнонасига репродуктив саломатлик, исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш, ҳомиладор аёлнинг кун тартиби ва озиқланиши бўйича тавсиялар бериш, ҳаётга хавф соладиган ҳолатлардан огоҳлантириш;

контрацептив воситалардан фойдаланадиган туғиши ёшидаги аёллар диспансер назоратини ташкил қилиш, уларнинг келишилган жадвал бўйича оила шифокори ёки доя қабулида бўлишларини назорат қилиш;

профилактик ва иммунопрофилактик, диагностик тадбирларни, даволаш ва физиотерапевтик муолажаларни бажариш, муассасага шикастланиш, захарланиш ва ўткир ҳолатларда мурожаатларда шифокоргача тиббий ёрдам кўрсатиш.

### **III. Умумий амалиёт ҳамширасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Умумий амалиёт ҳамшираси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Муассаса раҳбари, оила шифокори, бош/катта ҳамшира/фельдшерга меҳнатни ташкил этиш, зарур дори-дармон воситалари, асбоб-ускуналар, тиббиётга оид буюмлар билан таъминлаш масалалари бўйича, шунингдек ўз ваколати доирасида аҳолига кўрсатиладиган даволаш-профилактика ёрдамини яхшилаш масалалари бўйича таклифлар бериш;

бириктирилган худудда даволаш-профилактика ва ташкилий ишлар масалалари бўйича йиғилишлар (мажлислар)да иштирок этиш;

ўз қасбий билим ва кўникмаларини ўз устида узлуксиз ишлаш, согликни сақлаш бошқарув органлари томонидан ташкил этиладиган қисқа муддатли ўқув курслари ва семинарларда, шунингдек малака ошириш курсларида иштирок этиш йўли билан такомиллаштириш;

ўз малака тоифасига муносиблигини тасдиқлаш учун ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиш;

бошқа мутахассис ва ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ва ваколатига тегишли бўлган тадбирларда иштирок этиш;

ўз ваколат доирасига кирмайдиган вазифалар юклатилганда ундан бош тортиш;

10. Умумий амалиёт ҳамшираси ўз вазифасини бажариш даврида мазкур Низом талаблари билан белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга мажбурдир.

11. Умумий амалиёт ҳамшираси аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда мижоз ҳуқукининг поймол бўлмаслигини таъминлаш, bemor сирини сакланишига эришиш, мижоз ва ҳамкасларига самимий муносабатда бўлиши керак.

#### **IV. Умумий амалиёт ҳамшираси жавобгарлиги**

12. Умумий амалиёт ҳамшираси қўйидагиларга:

ўз фаолияти натижалари, бириктирилган аҳолига хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек ўз лавозим вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган ва муассаса фаолиятига ёки бириктирилган худудда bemorлар соғлиғига зарар етказган харакатлари ёки харакатсизликлари учун;

ўзига ишониб топширилган тиббий жихозлар, дори дармон ва сарфлов материалларининг бутлиги ва улардан оқилона фойдаланишга;

фаолияти натижалари бўйича тиббий ҳисоб ва хисобот хужжатларининг ўз вақтида ва тўғри юритилишига, улардаги маълумотларнинг хаққонийлигига жавобгардир.

## Тиббиёт бригадасининг оила (патронаж) ҳамшираси түғрисидаги Низом

### I. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт бригадасининг оила (патронаж) ҳамширасии (Кейинчалик -Оила ҳамшираси) – “олий ҳамширалик иши”, «умумий амалиёт ҳамшираси», «фельдшер», “тиббиёт ҳамшираси”, «акушерка» касбий йўналишлари бўйича маҳсус тиббий маълумотга эга бўлган ёки «умумий амалиёт ҳамшираси» дастури бўйича дипломдан кейинги ихтисослигини муваффакиятли ўтган дипломли мутахассисдир.

2. Оила ҳамшираси иш фаолиятида бириткирилган аҳолига, жинси ва ёшидан қатъий назар бирламчи тиббий ёрдам қўрсатиш ва карантин, ўта хавфли ва бошқа юқумли касалликларни олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказади.

3. Оила ҳамшираси оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадасининг бошқа аъзолари ҳамда ўзи мустақил равишда оилавий шифокорнинг бевосита назорати остида фаолият юритади.

4. Оила ҳамшираси ўз иш фаолиятида ташкилий-услубий масалалар бўйича бевосита назорат қилувчи оилавий шифокорга ва умумий амалиёт ҳамширасига, маҳсус ҳамширалик иши масалалари бўйича – бош, катта ҳамшира/фельдшерга, умумий масалалар бўйича эса муассаса раҳбарига бўйсинади.

5. Оила ҳамшираси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқ ва йўриқномалари, тегишли Соғлиқни сақлаш ҳудудий органлари, туман/шахар тиббиёт бирлашмаси ва даволашпрофилактика муассасаси раҳбарининг буйруқ ва кўрсатмалари, шунингдек мазкур Низомга кўра амалга оширади.

6. Оила ҳамширасини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш амалдаги меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда, муассаса раҳбари томонидаи амалга оширилади.

### II. Оила ҳамширасининг лавозимий вазифалари

7. Оила ҳамшираси ўз ваколати доирасида куйидаги вазифаларни амалга оширади:

оила шифокори бошчилигига, тиббиёт бригадасининг бошқа аъзолари билан биргаликда тиббиёт бригадасининг устувор вазифалар бўйича йиллик режасини тузиш ва ундан келиб чиқиб, ўзининг ойлик, хафталик ва кунлик вазифаларини белгилаш;

бириктирилган аҳолига, оиланинг барча аъзоларига касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишлари бўйича тиббий-санитария ёрдам қўрсатиш;

хомиладор ва чилла давридаги аёллар ва янги туғилган чақалоқлар кўригини хонадонларда ўтказиш, 5 ёшгача бўлган болалар ва эҳтиёжманд контингент (ёлғиз қариялар, ётиб қолган бемор ва ногиронлар) универсал-прогрессив усулда патронаж

ташрифларини ўтказиш;

18 ёшгача бўлган болаларни чукурлаштирилган тиббий қўриклар, 18-40 ёшдаги аҳолини профилактик қўриклар, сурункали касаллиги бўлган беморларни диспансер қўрикларига таклиф этиш;

касалликларни эрта аниқлаш мақсадида хавф гурухига мансуб аҳолини скрининг дастурлари билан қамраб олишда иштирок этиш (хонадонда сўровномалардан ўтказиш, антропометрик ўлчовлар ва физикал текширувларни амалга ошириш);

сурункали касаллиги бор bemорларнинг оила шифокори билан бирга динамик кузатувларини амалга ошириш, индивидуал режа асосида соғломлаштириш-реабилитация тадбирлари ўтказилишида иштирок этиш;

касалликлар профилактикаси мақсадида профилактик эмлашларга таклиф этиш ва эмлашдан кейинги назоратни амалга ошириш;

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шахсий ва хонадон гигиенасига риоя қилиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, кун тартибини оқилона режалаштириш ва ташкиллаштириш, заарли одатларга қарши курашиш масалаларида аҳоли орасида (маҳаллада, хонадонларда) тарғиботни замонавий усусларда ўтказиш;

ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллаштириш, жисмоний фаолликни қўллаб-кувватлаш бўйича оммавий тарғибот тадбирларини ўтказиш ва қатнашиш, “Саломлик мактаби” фаолиятини амалга ошириш;

кўкрак сути билан боқиши, аёллар ва болаларни рационал овқатлантириш, ота-оналар ва болалар ўртасида боғлиқликни ривожлантириш, оиласида бола учун хавфсиз муҳит яратиш, жароҳатлар ва баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, болаларда моторика ва нутқни ривожлантиришда кечикиш ва бошқалар бўйича тавсиялар бериш.

сурункали касалликка чалинган bemорларни ўзини ўзи назорат қилишга ўргатиш мақсадида “Профилактика мактаблари”га жалб этиш;

санитария ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш, бунда бириктирилган худуд ва уй хўжаликларининг санитария-гигиена ҳолатини умумий назорат қилиш, аҳолини эпидемиологик хавфли ҳолатлар ҳақида огохлантириш, юқумли касалликлар аниқланган “ўчоқ”ларда обервация тадбирларини ўтказиш;

шикастланиш, заҳарланиш ва ўтқир ҳолатларда аҳолига шифокоргача тиббий ёрдам кўрсатиш;

оиласида шифокор кўрсатмасига кўра “уй шифохона” шароитида даволанаётган bemорларни назорат қилиш ва тегишли тиббий муолажаларни санитари-гигиена коидаларига риоя килган ҳолда бажариш.

### **III. Оила ҳамширасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **8. Оила ҳамшираси қўйидаги ҳуқукларга эга:**

муассаса раҳбари ва оила шифокори, катта ҳамшира/фельдшерга меҳнатни ташкил этиш, зарур дори-дармон воситалари, асбоб-ускуналар, тиббиётга оид буюмлар билан таъминлаш масалалари бўйича, шунингдек ўз ваколати доирасида аҳолига кўрсатиладиган даволаш-профилактика ёрдамини яхшилаш масалалари бўйича таклифлар бериш;

оила ҳамшираси бириктирилган худудда даволаш-профилактика ва ташкилий масалалар бўйича йиғилишлар (мажлислар)да иштирок этиш;

ўз касбий билим ва кўнікмаларини ўз устида узлуксиз ишлаш, соғлиқни саклаш бошқарув органлари томонидан ташкил этиладиган қисқа муддатли ўқув курслари ва семинарларда, шунингдек малака ошириш курсларида иштирок этиш

такомиллаштириш.

ўз малака тоифасига муносиблигини тасдиқлаш учун ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиш.

9. Оила ҳамшираси ўз вазифасини бажариш даврида мазкур Низом талаблари билан белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга мажбурдир.

10. Оила ҳамшираси ахолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда мижоз хуқукининг поймол бўлмаслигини таъминлаш, bemор сирини сакланишига эришиш, мижоз ва ҳамкасларига самимий муносабатда бўлиши керак.

#### **IV. Оила ҳамширасининг жавобгарлиги**

11. Оила ҳамшираси қўйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

ўз фаолияти натижалари, бириктирилган ахолига хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек ўз лавозим вазифаларини бажариш билан боғлик бўлган ва муассаса фаолиятига ёки бириктирилган худудда bemорлар соғлиғига зарар етказган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари учун;

ўзига ишониб топширилган тиббий жиҳозлар, дори-дармон ва сарфлов материалларининг бутлиги ва улардан оқилона фойдаланишга;

фаолияти натижалари бўйича тиббий ҳисоб ва хисобот хужжатларининг ўз вақтида ва тўғри юритилишига, улардаги маълумотларнинг хаққонийлигига жавобгардир.

## Тиббиёт бригадаси дояси тұғрисидаги Низом

1. Тиббиёт бригадасининг дояси (Кейинчалик -доя) – “олий ҳамширалиқ иши”, «умумий амалиёт ҳамшираси», «фельдшер», “тиббиёт ҳамшираси”, «акушерка» касбий йұналишлари бүйича маңсус тиббий маңлумотта эга бўлган ёки «тиббиёт бригадаси дояси» дастури бўйича дипломдан кейинги ихтисослигини муваффақиятли ўтган дипломли мутахассисдир.

2. Доя иш фаолиятида бириктирилган ахоли орасидаги аёллар контингентига, жумладан, туғиши ёшидаги аёллар ва қизлар, ҳомиладорлар, янги тукқан аёллар тиббий-санитария ёрдами кўрсатади.

3. Доя оиласи шифокор ёки тиббиёт бригадасининг бошқа аъзолари ҳамда ўзи мустақил равишда оиласи шифокорнинг бевосита назорати остида фаолият юритади.

4. Доя ўз иш фаолиятида ташкилий-услубий масалалар бўйича бевосита назорат қилувчи оиласи шифокорга ва умумий амалиёт ҳамширасига, маңсус ҳамширалиқ иши масалалари бўйича – бош, катта ҳамшира/фельдшерга ҳамда муассасанинг умумий масалалар бўйича эса муассаса раҳбарига бўйсинади.

Шунингдек, ўз фаолиятини муасасасанинг акушер гинекологи ва унинг дояси билан бевосита ҳамкорликда олиб боради, тегишлилиги бўйича уларнинг топширикларини ҳам бажаради.

5. Доя ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги буйруқ ва йўриқномалари, тегишли Соғлиқни саклаш худудий органлари, туман/шахар тиббиёт бирлашмаси ва даволашпрофилактика муассасаси раҳбарининг буйруқ ва кўрсатмалари, шунингдек мазкур Низомга кўра амалга оширади.

6. Дояни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш амалдаги меҳнат қонунчилигига белгиланган тартибда, муассаса раҳбари томонида амалга оширилади.

## II. Дояниң лавозимиң вазифалари

7. Оила шифокори бошчилигига, тиббиёт бригадасининг бошқа аъзолари билан биргаликда тиббиёт бригадасининг устувор вазифалари ва лавозим ваколати доирасида йиллик режасини тузиш ва ундан келиб чиқиб, ўзининг ойлик, ҳафталик ва кунлик вазифаларини белгилаш.

8. Режалаштирилган вазифалардан келиб чиқиб, қуидагиларни амалга ошириш:

ҳомиладор, туғрукдан кейинги даврдаги аёлларга универсал-прогрессив модель бўйича патронажини амалга ошириш;

ҳомиладор аёлларни 12 хафтагача ҳисобга олиш, антенатал кўрикларга таклиф этиш ва оила шифокори билан биргаликда қабулни амалга ошириш, оила шифокорининг тавсияларини амалга ошириш;

ирсий касалликлар ва туғма нұқсонларни әртә аниқлаш мақсадида ҳомиладор аёлларнинг пренатал скринингдан ўз вактида ва түлиқ ўтишларини назорат қилиш;

исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш мақсадида эхтиёжманд аёлларни контрацептив воситалар билан қамраш чораларини кўриш, акушер-гинеколог кўригига таклиф этиш, контрацептив воситалардан фойдаланадиган фертил ёшдаги аёллар мониторингини юритиш;

хаф гурухига мансуб аёллар орасида скрининг текширувларини амалга ошириш, сўровнома ва кўрикларни ўтказиш, аёлларнинг жарёнидан түлиқ ўтишларини назорат қилиш;

репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, әрта ва кеч ҳомиладорлик ҳамда исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш масалаларида аёллар, ўсмир қизлар ва уларнинг оналари билан сұхбат ва учрашувлар ўтказиш, бу масалаларда “Қизлар саломатлик маркази” билан ҳамкорликда фаолият юритиш;

ҳомиладор, түқкан аёлларда ҳаётга хавф соладиган ҳолатлар омилларини аниқлаш ва ушбу bemорлар/oилалар учун индивидуал кузатув режасини тузиш;

ўз ваколати доирасида bemорларга шифокоргача бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш ва зарур ҳолатларда оиласи шифокор, акушер-гинекологни чакириш.

### **III. Доянинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Доя қуйидаги хуқукларга эга:

муассаса раҳбари ва оила шифокори, катта ҳамшира/фельдшерга меҳнатни ташкил этиш, зарур дори-дармон воситалари, асбоб-ускуналар, тиббиётга оид буюмлар билан таъминлаш масалалари бўйича, шунингдек ўз ваколати доирасида аҳолига кўрсатиладиган даволаш-профилактика ёрдамини яхшилаш масалалари бўйича таклифлар бериш;

бириклирлган худудда даволаш-профилактика ва ташкилий масалалар бўйича йиғилишлар (мажлислар)да иштирок этиш;

ўз касбий билим ва кўникмаларини ўз устида узлуксиз ишлаш, соғлиқни саклаш бошқарув органлари томонидан ташкил этиладиган қиска муддатли ўкув курслари ва семинарларда, шунингдек малака ошириш курсларида иштирок этиш такомиллаштириш.

ўз малака тоифасига муносаблигини тасдиқлаш учун ҳар беш йилда бир марта аттестациядан ўтиш.

10. Доя ўз вазифасини бажариш даврида мазкур Низом талаблари билан белгиланган вазифаларни ўз вактида ва түлиқ бажаришга мажбурдир.

11. Доя аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда мижоз хукуқининг поймол бўлмаслигини таъминлаш, bemор сирини сақланишига эришиш, мижоз ва ҳамкасларига самимий муносабатда бўлиши керак.

### **IV. Доянинг жавобгарлиги**

12. Доя қуйидагиларга жавобгар хисобланади:

ўз фаолияти натижалари, бириклирлган аҳолига хизмат кўрсатиш сифати, шунингдек ўз лавозим вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган ва муассаса фаолиятига ёки бириклирлган худудда bemорлар соғлиғига заар етказган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлеклари учун;

ўзига ишониб топширилган тиббий жиҳозлар, дори-дармон ва сарфлов материалларининг бутлиги ва улардан оқилона фойдаланишга; фаолияти натижалари бўйича тиббий ҳисоб ва хисобот хужжатларининг ўз вақтида ва тўғри юритилишига, улардаги маълумотларнинг хаққонийлигига жавобгардир.

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2022 йил “26” сентябрдаги  
263- сонли бўйруғига  
6-ИЛОВА

**Шифокор олди кўриги хонаси фаолиятини ташкил этиш  
тартиби тўғрисида  
Низом**

**I. Умумий қоидалар**

1. “Шифокор олди кўриги хонаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Кейинчалик- Низом) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПҚ-215-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

2. Низом - кўп тармоқли марказий поликлиника, оиласвий поликлиника, оиласвий шифокорлик пунктларида ташкил этиладиган шифокор олди кўриги хонаси фаолияти тартибини белгилайди.

3. Шифокор олди кўриги хонаси – тиббий бригадалар фаолиятини самарали ташкил этиш, оиласвий шифокор қабулига ташриф буюрувчилар оқимини тартибга солиш ва шифокор ваколати, аралашувини талаб қилмайдиган функцияларни бажаришда шифокор юкламасини камайтириш ва ҳамширанинг ушбу йўналишдаги ваколатларини ошириш мақсадида ташкил этилади.

4. Шифокор олди кўрик хонасининг фаолиятини ташкиллаштириш, самарали фаолиятини таъминлаш, тиббиёт ходимларини вазифаларини тушунтириш ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, белгиланган вазифаларни таъминлашда зарур тиббий жиҳоз ва анжомлар, сарфлов материаллари, адабиётлар (клиник протокол, алгоритм, йўриқнома, буйруклар), саволнома, кўргазмали ва тарқатма материаллар билан таъминлаш учун муассаса раҳбари ва бош (катта) ҳамшира бевосита жавобгар бўлади.

**II. Шифокор олди кўрик хонаси фаолиятини ташкил этиш  
мезонлари ва асосий вазифалари**

4. Шифокор олдик кўрик хонаси кўп тармоқли марказий поликлиника (аҳоли бириктирилган ҳолатларда), оиласвий поликлиника ва оиласвий шифокорлик пунктларининг таркибий қисми хисобланиб, фаолиятини ташкил этишда бинонинг имкониятлари-хоналар сони ва ҳажмининг етарли эканлиги, санитар меъёр ва қоидаларга риоя этилиши инобатга олинади;

5. Имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида шифокор олди кўриги хонаси рўйхатхонага яқин жойлашган хонада ташкил этилади, бунда оиласвий шифокорларнинг қабул вақтларини инобатга олган ҳолда ҳар 3 та оила шифокорига 1 тадан кўрик хонасини ташкил этилиши мумкин;

кўп тармоқли марказий поликлиника, оиласвий шифокорлик пункти ва оиласвий поликлиникаларни янгитдан қуриш ва реконструкция ишларини амалга ошириш жараёни етарли миқдорда (ҳар бир оила шифокори учун алоҳида) кўрикхоналарини ташкил этишни инобатга олиш керак.

6. Кўрик хонаси фаолияти ҳар бир муассасада ташкил этилган “тиббиёт бригадалари” сонидан келиб чиқиб ҳамда муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ 8.00.дан 20.00.га қадар ташкил этилади.

7. Шифокор олди кўриги хонаси тасдиқланган жиҳозланиш жадвалига асосан зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган бўлиши керак;

Жумладан, тонометр, фонендоскоп, катталар ва болалар учун бўй ўлчагич ва тарозилар, ўлчаш тасмаси, термометр (периметр), пульсоксиметр, пикфлоуметр, кўриш ўткирлигини аниқлаш жадвали, глюкометр, (зарур ҳолларда ЭКГ), тиббий мебель (йўргаклаш столи, күшетка, ширма), персонал компьютер ва принтер билан жиҳозланади.

8. Шифокор олди кўриги хонасида “тиббиёт бригадалари” таркибидаги умумий амалиёт ҳамшираси фаолият юритади.

9. Шифокор олди кўриги хонасига мижоз ва беморлар рўйхатхона томонидан юборилади, шунингдек, профилактик кўриклар, скрининг дастурлари, сурункали касалликлар назорати режаларига мувофиқ оила ҳамширалари ва доя томонидан таклиф этилади.

Беморларни узок вақт кутиб қолмасликлари ва уларга қулайлик яратиш мақсадида шифокор олди кўрик хонасига bemorlarни таклиf этишда оила шифокорининг қабул вақти ҳамда ўз хоҳишига кўра (огоҳлантиришсиз) ташрифлар бўлишини инобатга олиниши керак.

10. Шифокор олди кўрик хонасига мурожаат қилган фукароларга ташрифнинг мақсади, bemorning ёши ва жинси, мавжуд касалликларидан келиб чиқсан ҳолда, умумий амалиёт ҳамшираси томонидан амалга ошириладиган тадбирларнинг тартиби, ҳажми ва кетма-кетлиги тўғрисида кўрсатма берилади.

11. Шифокор олди кўрик хонасида куйидаги вазифалар амалга оширилади.

мижозларни шифокор олдик кўрик хонасида мустақил қабул қилиш, тегишли текширув (антропометрия кўрсаткичлари, бўй-вазн индекси (БВИ), артериал қон босими ва тана ҳароратини ўлчаш, нафас олиш тезлиги ва пульс сонини санаш, ЭКГ, пикфлоуметрия ўтказиш, кўз ўткирлигини аниқлаш) ва суриштирувларни ўтказиш;

5 ёшгача болаларни жисмоний ва психомотор ривожланиши мониторинги ва баҳолаш ва онага тегишли маслаҳатларни бериш;

18 ёшгача ташкиллашмаган болалар, таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўкувчиларини 1 йилда 1 марта чуқурлаштирилган тиббий кўрикларини ташкиллаштириш;

мақсадли контингент ҳамда хавф гурухидаги аҳолининг скрининг кўрикларини дастурлари ҳамда болалар, ўсмирлар ва аёлларни витамин ва микронутриентлар билан таъминлаш дастурлари ижросини таъминлаш;

юкумли бўлмаган касалликлар хавф омиллари аниқланган мижозларга соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, заарли одатлардан воз кечиш, ортиқча вазни олдини олиш ва халос бўлиш, хулқ-атворини ўзгартириш учун қисқа маслаҳатлар бериш;

хаётида биринчи бор сурункали касалликлар аниқланган bemorlar учун шифокор билан биргаликда “Профилактика мактаби” машғулотларини ўтказиш ва ўз-ўзини назорат қилиш бўйича маслаҳат бериш (ҳамширалик протоколлари асосида);

сурункали касалликка чалинган bemorlarни диспансер кўрикларни оила ҳамширалари билан бирга ташкиллаштириш ва шифокор кўригига тайёрлаш;

болалар, ўсмирларнинг ота-оналарига (соғлом бола парвариши, кўкрак сути билан озиқлантириш ва рационал овқатланиш, ўткир юкумли ва паразитар касалликларни олдини олиш, иммунизация, соғлом турмуш тарзи тамойиллари, bemor бола парвариши масалаларида) маслаҳатлар бериш;

ўсмир кизлар, уларнинг оналари, ёш келинчак ва уларнинг қайнонасига репродуктив саломатлик, исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш, ҳомиладор аёлнинг кун тартиби ва озиқланиши бўйича тавсиялар бериш, ҳаётга хавф соладиган ҳолатлардан огохлантириш;

контрацептив воситалардан фойдаланадиган туғиш ёшидаги аёллар диспансер назоратини ташкил қилиш, уларнинг келишилган жадвал бўйича оила шифокори ёки доя қабулида бўлишларини назорат қилиш;

профилактик ва иммунопрофилактик, диагностик тадбирларни, даволаш ва физиотерапевтик муолажаларни бажариш, муассасага шикастланиш, захарланиш ва ўткир ҳолатларда мурожаатларда шифокоргача тиббий ёрдам кўрсатиш.

12. Шифокорга ўткир касаллик ёки сурункали касалликнинг зўриқиши даврида бўйича мурожаат қилган bemorlar тегишли касаллик юзасидан клиник протоколларга асосан сўров-текширувлар ўtkaziladi ва алгоритмга мувофиқ ҳаракатлар амалга оширилади.

13. Касаллик аниқланганлар тегишли мутахассислар кўриклари, лаборатор ва инструментал текширувлар учун йўналтирилади, йўлланмалар ва шифокор назорати остида дориномалар расмийлаштирилади.

14. Мурожаат қилган bemorlar ҳаётига хавф соладиган ҳолатлар юзага келганда умумий амалиёт ҳамшираси мустакил шифокоргача ёрдам кўрсатади.

### **III. “Шифокор олди кўриги хонаси” да тиббий ҳисоб ва ҳисбот ҳужжатларини юритиш**

15. “Шифокор олди кўриги хонаси”да барча тиббий ҳисоб ва ҳисбот ҳужжатлари соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ юритилади.

16. Беморларнинг кўрик натижалари ва амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар таалуқлилиги бўйича тегишли саволномаларда, bemorning ambulator картасига ва маҳсус журнallарга қайд этилади, электрон дастурга киритилади.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланмаган ҳар қандай ҳужжатларни юритиш ва уларни юритишни талаб қилиш ман этилади.

### **IV. Шифокор олди кўриги хонаси умумий амалиёт ҳамширасининг маъсулияти ва жавобгарлиги**

18. Шифокор олди кўриги хонаси умумий амалиёт ҳамшираси ўзига юклатилган вазифаларни ўз вактида ва сифатли бажарилиши, хонага тегишли жиҳозларни сакланиши ва ҳисоби юритилиши, улардан самарали фойдаланиш, техника хавфсизлиги қоидалари, санитария-эпидемиология барқарорликни таъминлаш, ички тартиб-интизомга риоя қилишга масъул ҳисобланади.

19. Умумий амалиёт ҳамшираси амалга ошираётган фаолияти, белгиланган иш режаларининг ижро ҳолати, мавжуд муаммолар бўйича тиббиёт бригадаси оила шифокори ва бўлим катта ҳамшираси олдида ҳисбот беради.

20. Умумий амалиёт ҳамшираси ўз вазифалари ва функцияларини ҳамда мазкур Низом талабларини бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2022 йил 26-сентябрдаги  
263 - сонли буйруғига  
7-ИЛОВА

## **Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳомиладор, туғадиган ва түкқан аёлларга антенатал парваришни олиб бориш ТАРТИБИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳомиладор, туғадиган ва түкқан аёлларга антенатал парваришни олиб бориш тартиби (Кейинчалик Тартиб) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳомиладор аёллар, туғадиган ва түкқан аёллар антенатал парвариш учун назоратга олиш, тиббий-санитария ёрдами кўрсатиши ҳажми, унда иштирок этувчи тиббий ходимларнинг вазифалари ва хатти ҳаракатларини белгилайди.

2. Ҳомиладор аёлларга антенатал парвариш яшаш манзили ёки рўйхатда туриш манзили бўйича оилавий шифокорлик пунктлари (ОШП), оилавий поликлиникалар (ОП) ва Кўп тармоқли марказий поликлиника (КТМП) таркибидаги “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” томонидан хизмат радиусида амалга оширилади.

### **II. Ҳомиладор аёлларни амбулатор тизимда олиб бориш**

#### **3. Ҳомиладор аёллар амбулатор тизимда қўйидаги босқичларда назоратга олинади:**

##### **1-босқич - Тиббий бригада:**

1) **Тиббий бригада патронаж ҳамшираси** - маҳалладаги “Саломатлик мактаби” билан ҳамкорликда туғиши ёшидаги аёл бор ҳар бир оиланинг ҳафталиқ назоратини амалга оширади ва ҳомиладорлик аниқланганда ёки ҳомиладорда асорат белгилари пайдо бўлганда, ўша куннинг ўзида тиббий бригада доясига тезкор ахборот беради;

2) **Тиббий бригада дояси** – патронаж ҳамшираси томонидан қабул қилинган маълумот асосида ҳомиладорлик гумон қилинган ёки ҳомиладорлик асорати белгилари пайдо бўлган аёл хонадонига ташриф буюриш ёки телефон орқали амбулатор муассасасига тиббий текширув ўтказиш учун таклиф этади. Дастлабки “Шифокор олди кўрик хонаси”даги текширувлардан сўнг, аёл учун Тиббий бригаданинг оилавий шифокори қабулини ташкиллаштиради.

3) **Тиббий бригада оилавий шифокори** – аёлни кўрикдан ўтказиб, барча зарур лаборатор-инструментал текширувларни ўрнатилган тартибда амалга оширади ва КТМП таркибидаги “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими”да ўз ҳудудига бириктирилган акушер-гинекологнинг қабулини (аниқ вақти ва манзилни белгилаган ҳолда) ташкиллаштиради.

##### **2- босқич – КТМПдаги “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими”:**

1) **Акушер-гинеколог** – Оилавий шифокор тақдим этган умумий тиббий текширувлар натижаси асосида, ҳомиладорни ўз ихтисослиги бўйича зарур

текширувларни ўтказиб, ҳомиладорлик диагнозини кўяди ва аёлни “Ҳомиладорларнинг ягона электрон базаси”га расман киритади.

**2) “Ҳомиладорлар электрон базаси” фаолиятини доимий мақбуллаштириш. Бунда ҳомиладор аёлнинг:**

- тугуруғи кутилаётган муддатгача бўлган қузатув амалга оширилади;
- тугурук содир этиладиган стационар белгиланади ва ўша стационар электрон базасига юборилади;
- тугуруқдан сўнгги чилла даврида (42 кун) ҳомиладор ва гўдакнинг белгиланган тартибдаги назорати маълумотлари киритилади ва чилла даври тугаганидан сўнг, аёл **базанинг заҳира блокига киритилади**.

**3) Асоратли ҳомиладорлик ҳамда ҳомиладорликка абсолют ва нисбий монелик консилиумини ўтказиши:**

а) **Вақти** – сешанба,- соат 16.00.дан 18.00.гача.

б) **Иштирокчилар:**

- “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” мудири;
- ТТБ(ШТБ) тасарруфидаги амбулатор хизмат акушер-гинекологлари,
- мухокамага киритилган аёллар ва ҳомиладорларнинг оилавий шифокорлари,
- пренатал скрининг хонаси шифокори,
- ТТБ(ШТБ) туғруқ комплекси раҳбари,
- ТТБ(ШТБ) бошлигининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосари,
- ТТБ(ШТБ) нинг бош акушер-гинекологи,
- туман(شاҳар) хокимининг оила ва хотин-қизлар масаласи бўйича ўринбосари.

в) **Кун тартиби:**

- ҳомиладорликка мутлоқ монелиги бор аёллар мухокамаси, ҳар бирининг соғломлаштириш режаси, контрацепция масаласи;

- ҳомиладорликка нисбий монелиги бор аёллар мухокамаси, ҳар бирининг соғломлаштириш режаси, контрацепция масаласи;

- асоратли ҳомиладорлар мухокамаси, ҳар бирининг соғломлаштириш режаси;

- пренатал скрининг текширувларининг ҳафталик таҳлили;

- Туғиш ёшидаги аёлларнинг ягона электрон базасини мунтазам мақбуллаштириш.

**4) Ҳомиладорлар маршрутини белгилаш йиғилиши.**

а) **Вақти** – шанба, соат 11.00.дан 13.00.гача.

б) **Иштирокчилар:**

- “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими” мудири;
- ТТБ(ШТБ) тасарруфидаги амбулатор хизмат акушер-гинекологлари,
- кейинги ҳафтада туғиши кутилаётган ҳомиладорларнинг оилавий шифокорлари,
- ТТБ(ШТБ) туғруқ комплекси раҳбари,
- ТТБ(ШТБ) бошлигининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосари,
- ТТБ(ШТБ) нинг бош акушер-гинекологи,
- туман(шаҳар) хокимининг оила ва хотин-қизлар масаласи бўйича ўринбосари.

в) **Кун тартиби:**

- Аёллар маслаҳатхонаси бўлимидан ҳомиладорликнинг 31- ҳафтасидан бошлаб ҳар бир аёл учун қуйидаги муассасаларга туғруқ маршрути белгиланади:

ТТБ(ШТБ) тасарруфидаги туғруқ комплекси;

Туманлараро перинатал маркази;

Худудий перинатал марказ;

Республика перинатал маркази,

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази.

**5) Аёллар маслаҳатхонаси бўлимининг пренатал скрининг хонасида:**

- белгиланган тартибда ҳомиладорларнинг учта босқичдаги перинатал скрининг текшируви ўтказилади;
- Пренатал скринингдаги патологик хulosалар сешанба куни ўтказиладиган консилиумнинг кун тартибига алоҳида масала бўлиб киритилади.

**3- босқич – Тукқан аёлни туғруқ муассасасидан  
амбулатор тизимга қабул қилиб олиш ва 42 кунлик чилла даврида  
кузатиш.**

1) Тукқан аёлнинг туғруқ муассасасидан чиқиш куни “Аёллар маслаҳатхонаси бўлими”даги “Ҳомиладорлар электрон базаси”га тўлиқ ахборот киритилади.

2) Тукқан аёлнинг оиласи шифокори ва доясига ахборот берилади.

3) Туғруқдан кейинги давр (туғруқдан кейинги 42 кун) парваришини оиласи шифокор (ҳомиладорлик физиологик кечганда) ва Аёллар маслаҳатхонаси бўлими врач акушер-гинекологи (ҳомиладорлик асоратлар билан кечганда), шунингдек доямалга оширишади. Туғруқ даври тугагач аёлларга контрацепция усуллари бўйича тавсия берилади ва қўлланилади ва кейинги ҳомиладорлик бўйича маслаҳат берилади.

1.1.1. Ҳомиладор аёллар туғруқ стационарларида туғдирилади. Бунда,

- Ҳомиладорлик физиологик кечганда туғдириш туғруқ комплексларида амалга оширилади.
- Оғир соматик ва перинатал асоратлар билан хавфли ҳомиладорликда туғруқ перинатал марказларда ёки РИАГИАТМда амалга оширилади.

1.1.2. Ҳомиладор аёллар туғруқ муассасаларига туғруқ амалга оширилиши лозим бўлган туғруқ муассасасига алмашув картасидаги кўрсатма асосида мурожаат қиласи.

1.1.3. Ҳомиладорликни олиб бориш Миллий стандартлар ва Миллий клиник баённомаларга асосан қатъий равишда олиб борилади.

**III. Якуний қоидалар**

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳомиладор, туғадиган ва тукқан аёлларга антенатал парвариши олиб боришни ташкиллаштириш, назоратга олиш, тиббий-санитария ёрдами қўрсатиши тўлиқ ҳажмда олиб борилишини таъминлаш учун жавобгарлик бевосита тиббиёт бирлашма раҳбарига юклатилади.